

## ЗАМОНАВИЙ ЭТНО-МИЛЛИЙ НИЗОЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Б. Ачилов

ТДШУ “Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар”  
кафедраси ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кунда юзага келаётган турли миллатлар ўртасидаги низолар ҳамда этник конфликтларнинг авж олиши бундай масалаларга эътиборни янада кучайтириши талаб этмоқда. Этник умумийлик кишиларнинг жамоа бўлиб яшаши тарзининг тарихан вужудга келган ижтимоий гуруҳ шаклидир.

Кишиларнинг бундай жамоаси табиий тарихий йўл билан унга мансуб кишилар нинг хоҳиши иродаларидан мустақил равишда қарор топади ва ривожланади. “Этник умумийликнинг” энг муҳим объектив хусусиятларидан бири этник мансубликнинг белгилари ҳисобланган – тил, урф-одатлар, анъаналар, динлар, этнос аъзоларининг маданий бирлиги, улар хулқатворларининг ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттиради.

**Калит сўзлар:** Конфликт, этногенез, этник бирлик, миллат, миллатчилик, ватандошлик, конфликт сабаблари, конфликт динамикаси.

## ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННЫХ ЭТНОНАЦИОНАЛЬНЫХ КОНФЛИКТОВ

### АННОТАЦИЯ

*Возникающие сегодня конфликты между различными нациями, а также эскалация этнических конфликтов требуют повышенного внимания к таким вопросам. Этническая общность - это исторически сложившаяся форма социальной группы, отражающая образ жизни людей как сообщества.*

*Такое сообщество людей принимает решения и развивается независимо от воли тех, кто принадлежит к нему естественным историческим путем. Одной из важнейших объективных характеристик "этнической общности" считались признаки этнической принадлежности – культурное единство языка, традиций, устоев, религии членов этноса, отражающее специфические аспекты их поведения.*

**Ключевые слова :** конфликт, этногенез, этническое единство, нация, национализм, однородность, причины конфликта, динамика конфликта

## **FEATURES OF MODERN ETHNO-NATIONAL CONFLICTS**

### **ANNOTATION**

*The conflicts that arise today between different nations, as well as the escalation of ethnic conflicts, require increased attention to such issues.*

*An ethnic community is a historically formed form of a social group that reflects the way of life of people as a community.*

*Such a community of people makes decisions and develops independently of the will of those who belong to it in a natural historical way. One of the most important objective characteristics of the "ethnic community" was considered to be signs of ethnicity – the cultural unity of the language, traditions, foundations, religions of the members of the ethnic group, reflecting the specific aspects of their behavior.*

**Keywords:** conflict, ethnogenesis, ethnic unity, nation, nationalism, homogeneity, causes of conflict, dynamics of conflict

### **КИРИШ**

Икки қутбли дунёдан кўп марказли, полицеентрик дунёга ўтиш умумжаҳон миқёсида ўта сиёсий кескинликларга барҳам берилишига қарамасдан, бугунги кунда бир қанча мураккаб муаммоларнинг янгича тусда вужудга келишига ҳам муҳит яратди. Бунга мисол – “рангли инқилоблар”, ”араб баҳори”, Яқин Шарқ муаммолари, Украина –Россия конфликти ва ҳ.к. Бундай жараёнлар сиёсий ва ижтимоий конфликтлар тизимида, этник ҳарактердаги муаммоларда ҳам яққол кўзга ташланади. Негаки бугунги мураккаб дунё шароитидаги этник муаммолар халқаро алоқаларнинг ўтган муҳим босқичлари - давлатларнинг босиб олиниши ёки давлатларнинг назорат доиралари учун кўраш муҳити хукмон бўлган давлатлардаги этник муаммолардан тубдан фарқ қиласи. Қолаверса, бугунги янгиланаётган жамиятда ижтимоий ҳодисалар динамикасининг юксалаётганлиги ва миллий-этник жараёнларнинг интенсив ўзгараётганлигини хисобга олган холда миллатлараро муносабатларга оид конфликтларни конфликтологиянинг муҳим бир йуналиши сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун энг аввало “этник умунийлик” ва “этнос” тушунчаларини таҳлил қилиш лозим, чунки улар ўзига хос жиддий услубий аҳамиятга эгадир. Фанда узоқ давом этиб келаётган мунозараларга қарамасдан “этник умунийлик” тушунчасига қўйидагicha таъриф бериш мумкин: этник умунийлик – кишиларнинг жамоа бўлиб яшаш тарзининг тарихан вужудга келган ижтимоий гурух шаклидир. Кишиларнинг бундай жамоаси табиий тарихий йўл

билин унга мансуб кишиларнинг хохиш иродаларидан мустақил равишда қарор топади ва ривожланади. “Этник умумийликнинг” энг муҳим объектив хусусиятларидан бири этник мансубликнинг белгилари хисобланган – тил, урфодатлар, анъаналар, динлар, этнос аъзоларининг маданий бирлиги, улар хулқатворларининг ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттиради. “Этнос” нисбатан барқарор ривожланган, умумий тил ва маданиятга, шунингдек, бошқа шу сингари ўзини-ўзи англаш асосида бирлашган умумлашмалар(этнослар)га, эга бўлган муайян худудда тарихан таркиб топган кишиларнинг барқарор жамоасидир. Мазкур таърифдан кўйидагича хулоса чиқариш мумкин: этнос - кишиларнинг ҳар қандай жамоаси эмас, балки у шундай кишилар уюшмасини ундан бошқа шу сингари бирлашмалардан ўзини-ўзи англаши билан фарқ қиласидан куриниши. Этнос ўзи мансуб бўлган мажмуавий бирлик номида ўзини аталиши билан ажралиб туради.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

*Этник конфликт* – бир худудда яшовчи этнослар устидан ягона этнос ёки миллат манфаатларини устун қўйиш ва қолган этносларни тазийқ остига олиш оқибатида юзага келадиган можаро ёки низоларнинг энг юқори нуқтаси.

*Конфликт сабаблари* – Узоқ вақт давомида бир минтақада яшаб келган турли миллатлар ўртасида худудий, миллий ҳамда тарихий можароламинг давом этиши у ёки бу миллатнинг бошқа миллатларга агрессив таъсирининг кучайиши ва миллатчи лидерламинг характеристи ҳам аҳамият касб этади.

*Этник конфликтнинг динамикаси*-Этник низонинг юзага келиши, уни янада чуқурлашуви ҳамда кенг ёйилиши. Бундай жараёнда энди конфликт бир қанча элементларни ўзига қамраб олади ва кенгроқ характеристга эга бўлади. (ўлдириш, қирғин, камситиш, геноцид)

*Конфликтнинг ечимлари* – низоларни хал этишиниҳ турлича йўллари бўлиб булар, конфликтдан қочиш, бир муросага келиш ёки энг салбий ечим урушлар орқали бир томонни батамом йўқ қилиш орқали амалга оширилади.

Юқоридагилардан шуни тушуниш мумкинки этник конфликтларнинг келиб чиқишига сабаблар турлича, аммо мақсад битта, мақсад бу ўз миллатини ўзга миллатлардан устун қўйиш.

Этник конфликт келтириб чиқаришдан мақсад бу шунчаки бир этносни қўрқитиш ёки итоатда тутиб туриш эмас, балки уларни этнос сифатида батамом тутатиш, ўз худудидан қувиб чиқариш каби элементлари билан алоҳида характеристланади.

Этник конфликт юзага келиб чиқган ҳудудда кичик этносларнинг хақ-хуқуқларининг поймол қилиниши, у ер-даги қонунларнинг авторитар тизимга солинганлиги ва юридик институтларнинг йўқлиги конфликтнинг бир томон манфатларини ғолиб келишига замин яратади.

Этник низо бир ҳудуд, давлат ёки минтаقا ҳудудида бўлиши мумкин аммо унга ташқи кучларнинг аралашуви оқибатида бу конфликт халқаро ахамият касб этиши хам мумкин.

Миллатчилик — бу аввалам бор ғоя ва у қўйидаги элементларни ўзида мужассам этади:

Миллатчилик инсоният табиат қонунлари асосида бир биридан маълум бир хусусиятлари билан фарқ қиласиган фундаментал бирликларга — автоном ва тўлақонли миллатларга ажратилганлигини эътироф этади.

*Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши суверен ҳуқуқи.* Миллий лойиҳалар фақат ўз давлатида амалга оширила олади. Миллат ўзининг аъзоларидан иборат давлат ташкил қилишга ҳақли. Ҳар бир ҳудудий-маъмурий бирлик учун сиёсий чегаралар маданий-етник чегараларга тўғри келиши керак. Шундай қилиб миллат аниқ чегараланган ҳудудда олий (суверен) ҳокимиятга эга.

*Давлат қуриши жараёнидаги миллатнинг бирламчилиги.* Миллат бутун сиёсий ҳокиниятнинг манбаидир. Ҳукуматнинг ягона легитим тури миллий ўзини ўзи бошқаришдир. Миллатнинг ҳар бир аъзоси сиёсий жараёнда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

*Миллий ўзлик.* Миллатчилик битта маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида тил ва маданият умумийлиги бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Одомлар эркинлик ва салоҳиятларини реализация қилиш учун ўзини миллатга боғлашади. Бошқа тарафдан, миллат ўзини ҳеч қайси гурӯҳга мансублигини ҳис этмайдиганларга ҳам аъзолик ва ўзлик (идентификация) беради.

*Бирдамлик.* Бирликка маълум бир маданиятни мажбуран сингдириш билан эмас, балки инсонларнинг муҳаббат ва ака-укачилик асосида бирлашуви эвазига эришилади. Аъзолар бирдамлик иплари ҳис этиши ва бир хил эмас, балки бир бирларини тўлдириб ҳаракат қилишлари муҳим саналади.

Миллат олий қадрият сифатида. Алоҳида шахснинг миллий давлатга содиқлиги шахсий ва бошқа гурӯҳбозлик манфаатларидан устун. Фуқароларнинг вазифаси — ўз давлатининг легитимлигини (қонунийлигини) ушлаб туриш. Миллий давлатни мустаҳкамлаш ҳуррият ва осойишталикни тамиnlанишининг бош шартидир.

*Оммавий таълим.* Одамлар миллатнинг ҳаётида тўлақонли иштирок этиш ва унинг миллати, тарихи, тили билан боғланиш учун ҳар томонлама таълим олишлари керак.

Олдинга қўйилган ва ҳал этилаётган масалаларнинг моҳиятига қараб, замонавий дунёда бир нечта турдаги миллий ҳаракатлар шаклланмоқда. Сиёсий ва этник миллатчилик тушунчаларини киритган Ҳанс Коннинг классификацияси энг кенг қўлланилади. Кўпчилик мутахассислар (Коннинг ўзи ҳам) ҳар бир шаклланган миллат бу иккита компонентни ўзида мужассам этади, деб ҳисоблашади.

*Ватандошлик* (фуқаролик) миллатчилиги (бошқа номлари: инқилобий-демократик, сиёсий, ғарб миллатчилиги) давлат легитимлиги фуқароларнинг сиёсий қарорларни қабул қилишда фаол иштироки билан белгиланади. Миллат иродасини аниқлашнинг асосий инструменти сайловлар, референдум, сўров, очиқ ижтимоий баҳс шаклида бўлиши мумкин бўлган плебисцит саналади. Инсоннинг миллатга мансублиги шахсий танлов асосида аниқланади ва фуқаролик билан тенглаштирилади. Одамларни уларнинг фуқаролар сифатидаги тенг сиёсий статуси, қонун олдидағи тенглик, миллатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш шахсий хоҳишлари, умумий сиёсий қадриятларга ва фуқаровий маданиятга талпиниш бирлаштиради. Миллат бир бири билан битта ҳудудда яшшни истайдиганлардан ташкил топиши муҳим саналади.

*Ватандошлик* (фуқаролик) миллатчилигининг қўйидаги турларини ажратишади:

Давлат миллатчилиги миллатни ўз манфаатларини давлатнинг қудратини оширишга ва қўллаб қувватлашга йўналтирган инсонлар ҳосил қиласи, деб ҳисоблайди. У жинсий, ирқий ва этник мансублик билан боғлиқ мустақил ҳақ-хуқуқларни тан олмайди, чунки бунфай муҳторият миллатнинг бирлигини бузади, деб ҳисоблайди.

Либерал миллатчилик либерал қадриятларга ургу беради ва патриотик-ахлоқий категориялардан устун турадиган инсон ҳуқуқлари каби умуминсоний қадриятлар мавжудлигини эътироф этади. Либерал миллатчилик яқинроқ ва қадрлироқ бўлганлар учун приоритетларни инкор этмайди, лекин бу бирорларнинг ҳисобига бўлиши керак эмас, деб ҳисоблайди.

#### *Этник миллатчилик*

Этник миллатчилик (бошқа номлари: маданий-етник, органик, Шарқ миллатчилиги) миллатни этноснинг ривожланиш фазаси деб билади ва қисман ўзини фуқаровий миллатчиликка қарши қўяди. Бугунги кунда „миллатчи“ деб

этник миллатчиликка ургу берадиган ҳаракатлар аталади. Этник миллатчилик нұқтаи назаридан, миллат аъзоларини умумий меърос, тил, дин, анъаналар, тарих, битта қон, она ерга ҳиссий боғлиқлик бирлаштиради, ва улар ҳамmasи бутун халқни, қони бир жамиятни ташкил қилишади. Маданий анъаналар ва этник мансублик миллатчиликнинг асосини ташкил этиши учун улар жамиятга маёқ бўла оладиган ҳамма қабул қилган тасаввурларни ўзида мужассам этиши лозим.

Этник конфликтларнинг юзага келиши худуд ахолисининг турмуш шароити, шахарлар инфраструктурасининг бузилиши, мавжуд тартиб, интизомнинг ўз изидан чиқишига олиб келади.

Этник конфликтлар миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларнинг муайян бир холати ва шакли сифатида намоён бўлади. Конфликтнинг яна бир параметри жумласига унинг иштироқчилари, ташкилотчилари ёки ташаббускорларининг мақсади киради. Зеро, мақсад унга эришиш учун қандай воситани танлаш йўлини кўрсатади. Ундан ташкари, мақсад конфликтлашувчи томонларнинг манфаатларини белгиловчи компонентdir. Манфаат эса, ўз навбатида шаклланган ёки шаклланаётган мақсаддир. Конфликт иштироқчиларининг манфаат ва мақсадлари заминида конфликтнинг мазмuni акс этади. Табиийки, конфликтнинг ҳар қандай тури ҳам “соф” холда жуда камдан-кам учрайди, улар асосан бирлашиб кетган бўлади. Бир конфликтнинг ўзи айни пайтда юқорида айтилган икки ёки ундан ортиқ конфликтларнинг белгиларини ўзида қамраб олади. Кўпинча, бир турдаги конфликт бошқа турдаги конфликтга ўтиши мумкин. Конфликтнинг турини туғри тавсифлаш, яъни квалификациялаш унинг вужудга келиш сабабларини, табиатини, мазмуни ва структурасини тўғри аниқлаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Конфликтларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш йўлларини, шунингдек, ривожланиш босқичларини тахлил ва тасниф этиш ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқариш ҳозирги шароитда алоҳида аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир. Миллатлараро конфликтларнинг сабаблари жуда кенг доирада бўлиб, этник мунозаралар, социал-иктисодий тенгиззиклардан тортиб, мафкуравий рақобатгача ва ҳатто ҳоқимият учун очиқдан-очиқ курашгача бўлган ҳодисаларни ўзига қамраб олади. Конфликтларни вужудга келтирувчи қўпгина тарихий, иқтисодий, географик ва экологик омиллар кейинчалик ҳам сақланиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

## **ХУЛОСА**

Юқоридаги кўриб чиқилган масалардан маълум бўладики этник конфликтларнинг келиб чиқиши ва унинг кенг ёйилиши нафақат бир давлатнинг балки бутун бошли минтақанинг ҳам муаммосига айланиши мумкин. Бундай муаммолар эса минтақанинг ривожланиши ва интеграциялашувига тўсиқ бўлади. Бу каби конфликтлар натижасида инсонларнинг ҳалок бўлиши, хўрланишлари, жамиятдан қувилишларига олиб келмоқда.

Конфликтларнинг сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш жамиятда барқарорликни сақлашнинг мухим омилидир. Конфликтларга мойил бўлган ҳудуд аҳолисининг социал-иктисодий, сиёсий ва миллий хусусиятларини ўрганиш миллатлараро конфликтларни илк куртаклари кўринишиданоқ олдини олишга, пишиб етилаётган қарама-қарши вазиятнинг кескин конфликтга ўсиб ўтишига йўл қуўмасликка ёрдам беради. Бундай тенденцияларни, конфликтнинг шаклланиш механизмини билиш жамиятга қарши оммавий ҳаракатларнинг шаклланишига асос ва сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган вазиятларни оқилона бартараф этиш йўлларини аниқлаш ва социал-этник кескинликнинг юзага келишига йўл қўймаслик имконини беради.

## **REFERENCES**

1. Tchantouridze L. Geopolitics: Global Problems and Regional Concerns. – Winnipeg, Manitoba: Center for Defence and Security Studies, 2014.-215p.
2. Жумаев Р.З., Убайдуллаев У.А., Хужанов Б.Н. Конфликтология асослари. – Т.: Академия, 2000.-160 б.
3. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов (учебное пособие). – М.: Аспект- Пресс, 2017-200c.
4. Рустам Джумаев. Конфликтология ( Монография).-Т.:ТДШУ,2018-300б.
5. Здравомыслов А.Г. Социология конфликта (учебное пособие). -М.: Аспект-Пресс, 1996.-175с.
6. Зеркин А. Основы конфликтологии (учебное пособие). -М ., 1997.
7. Resolving deep rooted conflict (textbook). Lanham, -MD: University press of America, 1987.
8. Mitchell, C.R. The Structure of International Conflict (textbook). – New York: St. Martin’s Lederach, John Paul. Building peace: sustainable Reconciliation in Divided Societies. UN University, Tokyo, January 1994.